

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ПУЛАТОВ ЖАХОНГИР НАЗИРОВИЧ

**ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА «ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ»
КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Пулатов Жахонгир Назирович

Демократик жамиятда «Инсон тараққиёти» концепциясининг ижтимоий-
фалсафий таҳлили..... 3

Пулатов Жахонгир Назирович

Социально-философский анализ концепции «Человеческое развитие»
в демократическом обществе 20

Pulatov Jakhongir Nazirovich

Socio-philosophical analysis of the concept of “Human development”
ina democratic society.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....41

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ПУЛАТОВ ЖАХОНГИР НАЗИРОВИЧ

**ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА «ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ»
КОНЦЕПЦИЯСИНING ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1 PhD/Fal144 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Яхшиликков Жўрабой Яхшиликovich
фалсафа фанлари доктори, профессор

Туйчиев Бердикул Тўрақулович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси. 5-қават, 511-хона Тел.: (99871) 227-12-24; факс (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 4-уй, УзМУ, Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил _____ куни тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.А.Шермухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

У.А.Махкамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Г.Т.Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Инсон тараққиёти» концепциясида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, қашшоқликка барҳам бериш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, халқларнинг фаровон турмуш даражасини юксалтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим сифатини ошириш бўйича тизимли фаолият олиб борилмоқда. Зеро, инсон ҳар қандай давлатнинг асосий манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, унинг меҳнатини қадрлаш, ижодий фаолиятини рағбатлантириш, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш жамият барқарорлигининг кафолатидир. Шу боис, учинчи минг йилликда одамларнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишни тизимли ташкил этиш заруратини тақозо этмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида инсон тараққиётини таъминлашнинг асосий омиллари демография, миграция жараёнларининг барқарорлиги, экологик танглик, энергетик ва озиқ-овқат танқислигининг олдини олиш, аҳоли ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш бўйича ҳуқуқшунослар, файласуфлар, тарихчи ва сиёсатшунослар илмий изланишлар олиб бормоқда. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси қашшоқлиги ва умумий саводсизлигига қарши курашувчи донор мамлакатлар дастурларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ўрганилаётганлиги инсонпарварликнинг халқаро даражада намоён бўлаётганидан далолат беради.

Ўзбекистонда амал қилаётган инсон тараққиётининг йўналишлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Инсон тараққиёти» концепцияси мақсадларига мос равишда таъминланмоқда. Аҳоли турли қатламларининг ижтимоий ҳимояси, уларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, соғлиғининг ижтимоий муҳофазаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Халқ қабулхоналарининг фаолияти, «Обод қишлоқ», «Ҳар бир оила тадбиркор» давлат дастурлари, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган тизимли фаолият фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатидир. Зеро, «Биз амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётганлиги билан ўлчанади»¹. Шу боис, аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ҳимоясини таъминлаш орқали улар онгида янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш, янги Ўзбекистонда янги дунёқараш туйғусини шакллантириш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш объектив заруриятдир.

¹Мирзиёев Ш.М. «Миллий тараққиётимизни қаятият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -148 б

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий–маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Инсон тараққиёти, унинг дунёқарашига таъсир қилувчи ижтимоий муҳитнинг таъсири Шарқ мутафаккирлари ижодининг бош мавзуси бўлган. Хусусан, Абу Наср Форобийнинг «Инсонлар ўз эҳтиёжларини қондириш ва камол топиш учун жамоага бирлашиши натижасида тараққий этади»¹ деган фикрида ҳар қандай индивидуал тараққиёт жамоа руҳи билан қўллаб-қувватланиши асосланган. Абу Райҳон Берунийнинг «Жамиятда тинчлик ва фаровонлик вужудга келиши илм-фаннинг раванқ топишига боғлиқ»² лиги инсон тараққиётга илм орқали эришишдан далолатдир. Жалолиддин Румийнинг «Инсоннинг ичи хуррият оламидир»³ деган фикри инсон тараққиёти учун ҳур фикрлилик ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг зарурлигига ишорадир. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий «Ўзаро келишувлар, халқлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка эришиш учун ижтимоий адолатга асосланган жамият қуриш»⁴ ғоясини илгари сурганлар, бу эса ҳар қандай даврда ҳам инсон тараққиёти адолат мезонларига асосланишининг далилидир.

Инсон тараққиёти хориж олимлари томонидан ҳам ўрганилган. Хусусан, америкалик олимлар Д. Келлнер бозор муносабати шароитида инсонни иқтисодий қўллаб қувватлашни, С. Верба ва Л. Пай жамият ривожланиши даврида жамият аъзолари психологиясини ўзгартиришнинг заруратини, германиялик Ж. Хабермас⁵ жамиятнинг модернизациялашда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари узвийлигини таъминлашни, ирландиялик У. Мур мамлакатни индустриалаштириш босқичида жамият ва унинг аъзолари муносабатининг меъёрига амал қилишнинг аҳамиятини асослаган.

¹Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Ёзувчи, 1993. –224 б.

²Абу Райҳон Беруний. Феруза (Жавохир ҳақида нақл ва хикоятлар) –Тошкент: 1993. – 42 б.

³Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. Улугбек Ҳамдам таржимаси. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 94 б.

⁴Джами А. Книга мудрости Искандара. Избранное. -М.: Наука, 1984. – 337 с.; Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб (Насрий баён муаллифи Иноят Маҳсумов). –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. - 9-22 б.

⁵Habermas J. Postmetaphysical Thinking. –Cambridge: Polity, 1992. – pp. 127-132.

Инсон тараққиётига оид қарашлар МДХ давлатларида, хусусан Россиялик олимлар Л.Тихомирова, М.Тихомиров, В.Чиркин, С.Дятлов¹ каби тадқиқотчи ва олимлар инсон тараққиётини таъминлашнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини очиб берган.

Марказий Осиё олимлари инсон тараққиётининг иқтисодий, экологик жиҳатларини ўрганган. Жумладан, Қозоғистонлик Р.Сартаева² «Инсон тараққиётининг экологик омилларини», Тожикистонлик А. Наима Зоде³ «Инсон капиталининг ривожланиш хусусиятларини», Қирғизистонлик Ф.Бобоева⁴ «Иқтисодий барқарорликнинг механизмлари»ни тадқиқ этган. Шуниндек, БМТ (БМТРМ) ривожланиш дастурининг стратегияси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Омбудсман каби институтлар томонидан инсонга барча соҳаларда имкониятларини кенгайтириш, жамиятда умум эътироф этилган барқарор иқтисодий ўсиш, соғлом турмуш тарзи, экологик барқарорликни таъминлаш, камбағалликни олдини олиш, гендер тенглиги, таълим олиш сифатини яхшилашга эришиш йўллариини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда «Инсон тараққиёти» концепцияси бўйича махсус илмий тадқиқотлар олиб борилмаган бўлсада, шу соҳага яқин мавзуларда (инсон, унинг манфаатлари, инсон капитали) илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, А.Саидов «Демократик ўзгаришлар ва инсон тараққиётининг фалсафий-ҳуқуқий асослари»⁵ ни, А. Салимов «Таълим соҳасида инсон тараққиёти концепциясининг асосий йўналишлари»⁶ нинг иқтисодий аҳамиятини, Н.Шермухамедова «Гомокосмикус ғояси инсонда корпускуляр тўлқинлар амал қилиши ва синапслар назарияси»⁷ нинг фалсафий методологик жиҳатларини, С.Отамуратов «Миллий тарбия, титул миллатни ўзлигини англашиш ватан ва миллат истикболи учун маъсуллик»⁸ ни, Қ.Абдурахмонов «Инсон тараққиётининг иқтисодий омиллари»⁹ ни очиб берган. Тадқиқот жараёнида хориж ва республика олимлари илмий ишларининг таҳлилида «Инсон тараққиёти» концепцияси алоҳида тадқиқот предмети бўлмасада, уларнинг фаолиятида жамият тараққиётининг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий жиҳатларига эътибор қаратилганлиги, лекин ижтимоий-фалсафий жиҳатлари етарли асосланмаганлиги аниқланди, шу боис, ушбу диссертацияда инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун яратилаётган

¹Дятлов С.А. Теория человеческого капитала: Учебное пособие. – Санкт Петербург: СПбУЭФ, 1996. - С.72.

²Сартаева.Р. Инсон экологияси, янги онтология ва Қозоғистоннинг барқарор ривожланиши.(монография)- Казакистан 2012

³Зоде Наима. Инсон капиталининг ривожланиш хусусиятлар (диссертация) Тажикистан 2018

⁴Бобоев Ф.Ж “Иқтисодий барқарорликнинг механизмлари”(диссертация) 2019

⁵Саидов А. Философско-правовое наследие Иммануила Канта и современная юриспруденция. –Ташкент: - 2008. С.228

⁶Салимов А. . “Таълим соҳасида инсон тараққиёти концепциясининг асосий йўналишлари.(автореферат) - Самарқанд 2019

⁷Шермухамедова Н. “Инсон фалсафаси” - Тошкент:- 2016.-360 б.

⁸Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асраш маъсулияти.–Тошкент: Ўзбекистон, 2018.- 346 б

⁹Абдурахмонов.Қ. Инсон тараққиёти. -Тошкент: Иқтисодиёт, 2013.- 464 б.

шароитларнинг моҳиятини «Инсон тараққиёти» концепцияси доирасида очиб беришга ҳаракат қилинган

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний қадриятлар ва жамият барқарорлиги» номли фундаментал тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Инсон тараққиёти» концепциясининг фаолият йўналишларини ва инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрнини асослаш ҳамда ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Дунё ва Ўзбекистонда амал қилаётган «Инсон тараққиёти» концепциясининг инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга йўналган тамойилларнинг ўзаро мутаносиблиги ва фарқларини асослаш;

давлат бошқарув тизимида «Инсон тараққиёти» концепциясининг инсонпарварлик, меҳр-соҳоват, бағрикенг ахлоқий меъёрларга амал қилиш, аҳоли турли қатламлари онгида эртанги кунига ишонч туйғусини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

«Инсон тараққиёти» концепциясида белгиланган таълим олиш, соғлиқни сақлаш, умргузаронлик, соғлом турмуш тарзи, аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизимида эришиш тамойилларининг халқ фаровонлиги ва мамлакатнинг ижтимоий-маънавий барқарорлигининг кафолати эканлигини очиб бериш;

«Инсон тараққиёти» концепцияси доирасидаги мамлакатлараро тинчлик, миллатлараро тотувликнинг ижросини таъминлаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, одамларда розилик туйғусини шакллантириш омили эканлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Инсон тараққиёти» концепциясини Ўзбекистонда ривожлантиришнинг ижтимоий омиллари белгилаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини «Инсон тараққиёти» концепциясининг тамойиллари ва ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистондаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги жараёнларнинг инсон тараққиётига таъсирини илмий асослаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, тизимлилик тамойиллари, гепотетик-дедуктив, умумийликдан хусусийликка ўтиш, қиёсий таҳлил, умумлаштириш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хориж давлатлари ва Ўзбекистонда амал қилаётган «Инсон тараққиёти» концепциясининг инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини

таъминлашга йўналган тамойилларнинг ижтимоий барқарорлик омили сифатидаги ўзаро муносабати асосланган;

давлат бошқаруви тизимида «Инсон тараққиёти» концепциясидаги инсонпарварлик, меҳр-саҳоват, бағрикенглик ахлоқий меъёрларига амал қилишнинг аҳоли турли қатламлари онгида ишонч туйғусини шакллантириш механизми эканлиги очиб берилган;

«Инсон тараққиёти» концепциясида белгиланган таълим олиш, соғлиқни сақлаш, умргузаронлик, соғлом турмуш тарзи, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига эришиш халқ фаровонлиги ва мамлакатнинг ижтимоий-маънавий барқарорлиги кафолати эканлиги очиб берилган;

«Инсон тараққиёти» концепциясидаги мамлакатлараро тинчлик, миллатлараро тотувлик тамойили ижросининг таъминланиши, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ижтимоий йўналган лойиҳаларнинг амалиётга жорий қилиш омили эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Инсон тараққиёти» концепциясидаги вазифалар, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислохотларни амалга ошириш учун фуқароларда дахлдорлик туйғусини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

«Инсон тараққиёти» концепциясидаги инсонпарварлик ғояларини аҳолининг барча қатламлари онгига сингдириш, уларнинг ўз ҳуқуқ, бурч ва маъсулиятини англашнинг янги усул ва воситалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ва хорижий журналларда чоп этилган илмий мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида ҳамда тақдир ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги хулоса ва тавсиялардан «Инсон тараққиёти» концепциясидаги ғоялардан халқ фаровонлигини таъминлаш, халқаро муносабатларни такомиллаштиришга оид илмий концепцияларни тайёрлаш, инсон тараққиёти, инсон капитали бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлат ва жамият муносабатларини ташкил этишда «Инсон тараққиёти» концепциясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, фуқароларнинг меҳнат жамоаларида ўз-ўзини англаши, сиёсий, ижтимоий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Демократик жамиятда «Инсон тараққиёти» концепциясининг ижтимоий – фалсафий таҳлили бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва тақдирлар асосида:

Хориж давлатлари ва Ўзбекистонда амал қилаётган «Инсон тараққиёти» концепциясининг инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга йўналган тамойилларнинг ижтимоий барқарорлик омили

сифатидаги ўзаро мутаносиблигига доир илмий таҳлилий хулосалар ечимлардан 01-14/17 рақамли «Ёш тадбиркор-элга мададкор» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 2020 йил 20 августдаги 18/1-258-сон маълумотномаси). Натижа инсон тараққиёти мезонлари инсон эҳтиёжларини қондиришга уларнинг эзгулик, бунёдкорлик, бирдамлик руҳида тарбиялашга хизмат қилган.

давлат бошқаруви тизимида «Инсон тараққиёти» концепциясидаги инсонпарварлик, меҳр-саҳоват, бағрикенглик ахлоқий меъёрларига амал қилишнинг аҳоли турли қатламлари онгида ишонч туйғусини шакллантириш механизми эканлиги очиб берилганлиги юзасидан олинган илмий хулоса ва таклифларидан «Ҳаёт ва қонун» ва «Оила ва жамият» номли эшиттиришларнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 20 августдаги 04-25-904-сон маълумотномаси). Натижа «Инсон тараққиёти» концепциясининг меҳр-саҳоват, бағрикенглик каби ахлоқий тамойиллар мамлакатнинг ижтимоий-маънавий барқарорлигининг кафолотини таъминлашга эришилган.

«Инсон тараққиёти» концепциясида белгиланган таълим олиш, соғлиқни сақлаш, умргузаронлик, соғлом турмуш тарзи, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига эришиш халқ фаровонлиги ва мамлакатнинг ижтимоий-маънавий барқарорлиги кафолоти эканлигига оид назарий хулосаларидан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган А-1-133+(А-1-132) рақамли «Фалсафа тарихини ўрганиш асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизмини тадқиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 февралдаги 89-03-413-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида нашр этилган ўқув қўлланманинг мазмуни мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши, билим олиши, соғлом турмуш тарзига амал қилиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилган.

«Инсон тараққиёти» концепциясидаги мамлакатлараро тинчлик, миллатлараро тотувлик тамойили ижросининг таъминланиши, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ижтимоий йўналган лойиҳаларнинг амалиётга жорий қилиш омили эканлигига оид таклиф ва тавсияларидан 59-09/44 рақамли «Мажбурий меҳнатга йўл йўқ» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 2020 йил 20 августдаги 18/1-258-сон маълумотномаси). Натижада, фуқароларнинг қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўз ҳуқуқ ва эркинларидан фойдаланиш, мамлакатда амалга оширилаётган инсон ҳуқуқларини

таъминлашга йўналтирилган ислохотларнинг кадрига етиш фазилатларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та ОАК тасарруфидаги ва 2 та хорижий журнал материалларида, 4 халқаро ва 20 та республика илмий-амалий конференция ҳамда семинарларида маъруза кўринишида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 дан ортиқ илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган Олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишларнинг сони, диссертациянинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «**Инсон тараққиёти**» концепциясининг илмий-**фалсафий таҳлили** деб номланган биринчи бобда «Инсон тараққиёти» концепцияси, инсон капитали, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Барқарор ривожланиш мақсадлари»нинг моҳияти ва аҳамияти очиб берилган.

Инсон тараққиётининг моҳиятини муаллиф Шарқ ва Ғарб файласуфларининг адолат, эзгулик, меҳрибонлик, фаровонлик, бахт, ахлоқ, тарбия каби фалсафий категориялар асосида таснифлаган. Хусусан, Аристотель¹нинг жамиятда инсоннинг бахтли ҳаётини таъминлаш энг олий кадрят, юксак ахлоқий поклик, ички ва ташқи гўзаллик, ижтимоий-сиёсий етуклик, инсонни тараққиётга етказадиган фазилатлар, деган фикрини Абу Али ибн Сино²нинг инсон тараққий этиши учун ўзаро ҳамкорлик қилиш кераклигини ва улар турли касб-корлар билан шуғулланиши лозим деган

¹Аристотель .Политика . (Теории власти) Пер. с греч., предисл. и послесл. С.А. Жебелева. Примечания и комментарии А.И.Доватура -Москва, Академический Проект 2015. - 318 с.

²Рахимов С.Р. Психолого-педагогические взгляды Абу Али ибн Сины. – Ташкент: Укитувчи, 1979. -С.120.

фикри билан қиёсий таҳлил этган ва уларнинг ҳозирги даврдаги аҳамиятини асослаган.

Тадқиқотчи фикрича, узоқ ва самарали умр кўриш, соғлом бўлиш, таълим олиш, иқтисодий барқарорлик инсон тараққиётининг кафолатидир. Тараққиёт инсон потенциални юзага чиқариш, эҳтиёжларни қондиришда асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Бу эса, шахслараро мулоқот, касбий камолот нуқтаи назаридан ҳозирги даврда ҳам аҳамиятга эга.

Диссертацияда Ғарб олимлари Вильям Петти, Гэри Беккер, Артур Льюис, Ж.Хабермас, С.Дятлов И.В. Ильинскийнинг инсон тараққиёти иқтисодий ривожланиш суръатларига оид фикрлари тадқиқ этилган¹. Бунинг асосида муаллиф инсон тараққиёти нафақат мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, балки фақат жамиятнинг моддий эҳтиёжларини қондириш воситаси эканлиги, улар кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари, қуролланиш, маориф тизимини ривожлантириш каби муҳим, аммо ҳалқ фаровонлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган лойиҳаларни амалга оширишга сарфланиши мумкинлиги асосланган. Шу боис, турли мамлакатлардаги турмуш даражаси доим аҳолининг ўртача даромад даражасига мос эмас. Шунингдек, баъзида ялпи ички маҳсулот нотекис тақсимланиши ҳам мумкин. Зеро, ҳукуматнинг ижтимоий сиёсати кучли ёки суст бўлиши мумкин. Демак, ялпи ички маҳсулот даражаси ҳам, ўсиш суръати ҳам тараққиёт ва муваффақиятнинг асосий мезони бўла олмайди. Бу ҳақиқатни англаб етиш натижасида янгича ёндашув «Инсон тараққиёти» концепциясини шакллантириш имконини беради.

Инсон тараққиёти – инсон ўз имкониятларидан фойдаланиш учун соғлом ва фаровон ҳаёт кечириш, билим олиш ва муносиб меҳнат шароитларига эга бўлишнинг кафолатланганлигидир.

Тадқиқотда Амартья Кумар Сен ва Маҳбуб ул-Ҳақнинг «Инсон тараққиёти» концепциясига оид қарашлари таҳлил этилган. Хусусан, 1990 йилда Маҳбуб ул-Ҳақнинг «Инсон тараққиёти» концепцияси мамлакатлар тараққиётининг асоси эканлигини ва шунинг учун унинг моҳиятини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларга кенг тарғиб қилиши лозимлиги ҳақидаги таклифи эътиборга молик. Таклифга кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари ҳар йили ўтказиладиган саммитда ўз давлатининг иқтисодий, ижтимоий вазиятига оид муаммолар билан бир қаторда, инсон тараққиётига оид таклифлар бермоқда. Жумладан, 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов Бирлашган Миллатлар ташкилотининг 48 сессиясида биринчи марта дунё ҳамжамиятини терроризмга қарши курашиш учун ҳамкорлик қилишнинг заруратини таклиф қилган бўлса, 2017 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида «Ёшлар ҳуқуқлари

¹Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

тўғрисида»ги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш, «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди, шунингдек халқаро жамоатчиликка Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Орол денгизининг қуришини бартараф қилиш, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва Афғонистонда иқтисодий барқарорликни таъминлашга ёрдам бериш зарурлигини асослади.

1995 йилдан Ўзбекистоннинг сиёсий арбоблари Бирлашган Миллатлар ташкилотининг «Инсон тараққиёти» тўғрисидаги конференцияларда мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги жараёнлар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, электрон ҳукуматни ташкил этиш, соғлиқни сақлаш, таълим тизимидаги босқичма-босқич ислохотлар бўйича ҳисобот маърузалари билан иштирок қилмоқдалар. Бу маърузалар дунё ҳамжамиятининг нафақат Ўзбекистоннинг тараққиётидаги ютуқларини билиши балки, унинг стратегияси ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Муаллиф А. Салимов¹нинг «Таълим инсонни ривожлантиришнинг энг муҳим омили» эканлиги тўғрисидаги қарашларига ижобий баҳо беради ва инсон тараққиётининг омили соғлом турмуш тарзи, таълим, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя, сиёсий ва фуқаролик эркинлигидир деб таъкидлайди.

Диссертацияда инсон тараққиёти ва инсон капитали тушунчаларини қиёсий таҳлил этган, уларни ўзаро алоқаси ва фарқи асосланган. Муаллиф фикрича, «Инсон тараққиёти» концепцияси узоқ муддатли жараёндир. Унинг мақсади нафақат ҳозирги давр аҳолиси эҳтиёжларини балки келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлашга йўналган. Инсон капитали эса, интенсив ишлаб чиқариш жараёни бўлиб у билим ресурслари, соғлиқни сақлаш, меҳнат кўникмалари ва иқтисодий омилларни ўз ичига қамраб олади.

Диссертацияда «Инсон тараққиёти» концепциясининг бош омили давлат, жамият ва инсон муносабатлари эканлиги, бунда иқтисодий барқарорлик, ижтимоий фаровонлик, сиёсий хавфсизлик муҳим аҳамиятга эгаллиги очиб берилган.

Шу нуқтаи назаридан диссертацияда С.Отамуродов²нинг миллатни асрашда миллий-маънавий хавфсизликнинг зарурлигига оид қарашлари таҳлил қилинган. Муаллиф инсон тараққиётининг муҳим воситаси инсон меҳнатини қадрланиши ва рағбатлантиришдир. Ижтимоий ҳаётдаги адолатсизликлар, кадрлар коррупциясининг оқибатида инсон тараққиётида руҳий тушкунлик ва норозилик кайфияти шаклланади. Шу боис янгиланаётган Ўзбекистонда бу жараёнга муносабат ижобий тус олди. 2017 йилдан буён «Мард ўғлон» давлат мукофоти, «Келажак бунёдкори» ордени каби мукофотлар билан аҳоли турли қатламларининг рағбатлантирилиши,

¹Салимов.А . “Таълим соҳасида инсон тараққиёти концепциясининг асосий йўналишлари.(автореферат) - Самарқанд 2019

²Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асраш маъсулияти.–Тошкент: Ўзбекистон, 2018.-346.

инсон бегоналашувини бартараф этиш, унинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши, инсон тараққиётига йўл деб баҳолаш мумкин.

Диссертацияда аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш сифатидаги фарқлар қиёсий таҳлил қилинган. Турмуш даражаси моддий даромаднинг ортиши ёки камайиши сифатида баҳоланса, турмуш сифати эса, моддий таъминот билан ўлчанмайдиган интеллектуал мулк, малакали тиббий хизмат, узоқ умр кўриш, адолатли меҳнат шароити, маданий ҳордиқни қамраб олади. Бу билан муаллиф Амартья Кумар Сен¹нинг инсон тараққиёти моддий фаровонлик билан эмас балки, инсонга зарур маънавий эҳтиёж ва имкониятларини такомиллаштириш жараёнидир деган фикрига қўшилади.

Хуллас, инсон тараққиётини ўрганиш асосида муаллиф, инсоннинг фаровон ҳаёти, жамиятдаги даромадларнинг қиймати аҳоли жон бошига тушадиган миқдорига қараб белгиланмаслиги, балки инсонлар ўзлари учун муносиб деб ҳисоблаган имкониятлари бўйича баҳолаш лозимлигини асослаган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Инсон тараққиёти» концепциясини амалга ошириш механизмлари** деб номланиб, унда инсон тараққиётини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли, жамият барқарорлиги инсон тараққиётининг ўзига хос механизми эканлиги, минг йиллик ривожланиш мақсадларида «Инсон тараққиёти» концепциясининг аҳамияти ва ижтимоий-фалсафий жиҳатлари очиқ берилган.

Диссертацияда, фуқаролик жамияти - мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жиҳатдан тўлақонли эркинликни кафолатловчи маълум ижтимоий тизим эканлиги, давлат бошқарувида фуқароларнинг эркин иштироки таъминланганлиги, давлатнинг вазифалари босқичма-босқич нодавлат нотижорат ташкилотларига ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказилиши, Ўзбекистонда инсон тараққиёти давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги исботланган. Республикамизда нодавлат нотижорат ташкилотлар² фаолиятини такомиллаштириш бўйича қонунлар қабул қилиниши инсон тараққиёти тизимли амалга ошаётганлигидан далолатдир.

Муаллиф фикрича, инсоннинг ривожланиш даражаси унинг жамият ҳаётидаги фаоллик билан боғлиқ. Чунки у нафақат ривожланишнинг объекти, балки субъекти, ижтимоий тараққиётнинг мақсадигина бўлиб қолмасдан, тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, ўсиш воситаси ва унинг ҳал қилувчи омили ҳамдир.

Диссертацияда инсон тараққиётини амалга ошириш механизми фуқаролик жамияти институтлари фаолияти Европа давлатлари мисолида қиёсий таҳлил этилган ва хорижда нодавлат нотижорат институтларини

¹Амартья Сен. Развитие как расширение человеческого выбора, 1989.

² Қаранг: «Сиёсий партиялар тўғрисида»(1996), «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (1998), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» (1999), «Жамоат фондлари тўғрисида»(2003), «Экологик назорат тўғрисида»(2014), «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»(2014), «Ижтимоий шериклик тўғрисида»(2014), «Парламент назорати тўғрисида» (2016) lex.uz.

молиялаштириш манбалари лотерея ўйинлари, турли хайрия ва сармоялар бўлса, Ўзбекистонда давлат бюджети ва Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, аъзолик бадаллари ҳамда ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар томонидан молиялаштирилиши, улар фаолиятидаги мақсад ва вазифаларда эса умумийлик аниқланган.

Диссертацияда инсон тараққиётини ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қиёсий таҳлил этилган ва қуйидаги мақсадларнинг узаро алоқаси очиқ берилган.

Инсон тараққиётини ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли (хориж тажрибаси)¹

Давлатлар	Молиялаштириш манбаси	Мақсад ва вазифалари
Хорватия	- фуқаролик жамиятини ривожлантириш Миллий фонди; – фонд асосан лотериялардан келадиган даромад ҳисобига шакллантирилади	Фан, таълим, спорт, маданият, ногиронларга ва аҳолининг муҳофаза қилинмаган гуруҳларига ёрдам беради.
Англия (ФЖИ хайрия ва кўнгиллилар ташкилоти)	- Лотереялардан келадиган тушумлар; - ФЖИларининг ўзлари томонидан молиялаштириш (турли грант дастурлари асосида)	Хайрия, соғлиқни сақлаш, таълим ва атрофни муҳофаза қилиш, спорт, тарихий меросни муҳофазалаш
Полша	- лотерея ўйинлари орқали олинган маблағлар; - черковлар ҳудудида диний мақсадларда йиғилган маблағлар; - мактабларда ўқувчи ва ўқитувчилардан йиғилган маблағлар; - таниш-билишлардан шунчаки олинган маблағлар (расмий тасдиқланмаган) - ташкилотларда ходимларнинг розилигисиз ойлик маошидан ушлаб қолинадиган маблағлар.	- ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ёрдам кўрсатиш; - хайрия ишларини ўтказиш; - имконияти чекланган болалалар ва катталарнинг билим олиши, илмий фаолият юритишига кўмаклашиш; - анкологик касалликларга чалинган инсонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш; - табиат, атроф-муҳитни асраш ишларида фаол қатнашиш; - маданий ривожланишга ҳисса қўшиш.
Ўзбекистон	- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан; - аъзолик бадаллари ҳисобидан.; - ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар томонидан;	- меҳнат манфаатларини ифодалайди; - сиёсий эрк-ифодани ифодалайди; - зиёлиларнинг юксак бадиий илмий, маданий ғояларини ифодалайди; - турли-туман умум фойдали манфаатларни кўзлайди; - аҳолининг муайян ожиз, кам таъминланган қатламларига кўмак бериш мақсадини кўзлайди

¹Муаллиф ишланмаси

Тадқиқотчи фикрича, жамиятни барқарорлиги демографик омилларга ҳам боғлиқ. Агар XX асрнинг биринчи ярмида ер юзи аҳолисининг умумий сони 1,5 млрд бўлса, 1985 йилда улар сони 5 млрд.га, 1999 йил аҳоли сони 6 млрд.га етди. Экспертларнинг фикрича, 2025 йилга келиб ер юзи аҳолиси 8 млрд. 524 млн. 100 йилдан сўнг эса 11 млрд.дан ортиши башорат қилинмоқда¹. Бу кўрсаткичлар, ҳар бир мамлакатда келажак авлод яшаш ҳуқуқини таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратишни тақозо этади.

Диссертацияда 2000 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минг йиллик саммитида 189 та мамлакат етакчилари иштирокида ер юзида ҳаётни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга бағишланган йиғилишда саккизта глобал ривожланиш мақсадлар белгиланганлиги асосланган.

Тадқиқотчи фикрича, глобал ривожланиш - бу камбағал давлатлар тараққий этган давлатга айланиши учун бутун дунё босиб ўтиши керак бўлган йўл. Бунинг учун инсоният ер куррасининг келажаги оддий, бироқ жуда муҳим нарсаларга боғлиқ эканлигини англаши даркор.

Дунёда одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг таъминланиши, моддий эҳтиёжларнинг даромад билан мутаносиблигига эришиш долзарб муаммолардан биридир. Шу боис, янгиланаётган Ўзбекистонда инсон тараққиётининг иқтисодий омили билан боғлиқ муаммолар босқичма-босқич бартараф этилмоқда. Хусусан, саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурларининг амалиётга тадбиқ этилиши натижасида 2019 йилда иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. «Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди»². Зеро, ривожланишнинг асосий мақсади кишиларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг рози бўлиб яшашига эришишдир. Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб инсон тараққиёти миллий мақсадларига эришиш учун давлат дастурлари қабул қилинаётганлиги мамлакатда инсон тараққиёти соҳасида катта муваффақиятларга эришишни таъминламоқда

Диссертацияда инсон тараққиётига таъсир этувчи қуйидаги ижобий ва салбий омиллар асосланган. Агар миллий, диний, ҳудудий низолар, гиёҳвандлик, жиноятчилик, терроризм кабилар салбий таъсир бўлса, тижоратни рағбатлантириш, соғлиқни сақлашга оид давлат дастурлари, таълим ва тарбиянинг самарадорлигини ошириш бўйича давлат сиёсати ижобий омиллардир. Ҳар икки даражадаги омиллар жамиятда бир хил намоён бўлиши билан бирга уларнинг таъсир даражаси индивидуал хусусият касб этади.

Инсон тараққиётидаги маънавий омил индивидуал даражада ҳар қандай салбий омил таъсирига қарши кураша олади.

¹О Кыргызстане // <http://www.gdhotel.kg/ru/show/about-kyrgyzstan/> 12.02.2012г.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz>

Диссертацияда «Инсон тараққиёти» концепцияси, Минг йиллик ривожланиш мақсадлари ва Барқарор ривожланиш борасида янги глобал мақсадларнинг ўзаро нисбати ¹ таҳлил этилган. Бу қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

Инсон тараққиётининг муҳим омиллари	Минг йиллик ривожланиш мақсадларига мос келувчи	Барқарор ривожланиш борасида янги глобал мақсадларига мос келувчи
Аҳоли саломатлиги	4, 5 ва 6-мақсадлар: болалар ўлимини қисқартириш, оналар саломатлигини яхшилаш, асосий касалликларга қарши курашиш	1-мақсад: Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш
Таълим олиш	2 ва 3-мақсадлар: умумий бошланғич таълимга эришиш, аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш (айниқса таълимда) ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш	2-мақсад: умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш
Турмуш даражаси	1-мақсад: ўта қашшоқлик ва очликни тугатиш	1-мақсад: барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш;
Жамият ҳаётида иштирок этиш учун сиёсий ва фуқаровий эркинликлардан фойдаланиш	Мақсад ҳисобланмайди, лекин ушбу муҳим сиёсий интилиш Мингйиллик декларациясига киритилган	7-мақсад: бошқаришни такомиллаштириш ҳамда тинчликсевар, беҳатар, адолатли ҳамда инклюзив жамиятни тарғиб қилиш
Инсон тараққиёти учун асосий шартлар	Минг йиллик ривожланиш мақсадларига мос келувчи	Барқарор ривожланиш борасида янги глобал мақсадларига мос келувчи
Экологик барқарорликни Таъминлаш	7- мақсад: Экологик барқарорликни таъминлаш	6-мақсад: ер куррасини химоя қилиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, табиий ресурслардан барқарорлик асосида фойдаланиш
Гендер тенглиги	3-мақсад: аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш	3-мақсад: жинслар тенглигини таъминлаш ҳамда барча аёллар ва қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш
Глобал иқтисодий муҳит яратиш	8-мақсад: ривожланиш мақсадларида глобал шерикчиликни шакллантириш	8-мақсад: барқарор ривожланиш учун глобал ҳамкорликни қайта тиклаш

Хуллас, диссертацияда Минг йиллик ривожланиш мақсадининг мантиқий давоми сифатида «Ўзбекистонда 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари» бўйича амалга ошириладиган ислохотлар

¹Муаллиф ишланмаси

мамлакатда камбағалликни тугатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли сонини бугунгига нисбатан икки бароварга камайтиришга йўналган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда инсон манфаатлари ва тараққиётининг стратегик аҳамияти» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда инсон тараққиёти концепциясининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, Ҳаракатлар стратегиясида барқарорлик ва инсон манфаатларини таъминлашнинг аҳамияти очиб берилган.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистонда «Жамият-ислохотлар ташаббускори» эзгу ғояси босқичма-босқич амалиётда ўз ифодасини топмоқда. Зеро, ҳар бир даврнинг ўзига хос сиёсий, ижтимоий, маънавий эҳтиёжлари ва унга эришиш йўллари, муносабатлари, тафаккур тарзи бор. Ана шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, 2017 йилда Ўзбекистоннинг тарихий тараққиёт ва ривожланишида янги босқич бошланди. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг «Ҳаракатлар стратегияси» доирасида қабул қилинган 90 та қонун, 2000 та қарор инсон тараққиётини таъминлашга йўналган. Бу эса, мамлакат сиёсий раҳбарининг ватанпарварлиги, инсонпарварлиги ва энг муҳими юксак маъсулиятининг ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги «Ўзбекистон 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори инсон тараққиётига янги руҳ берди. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган вазифаларнинг ижроси соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уй жойга эҳтиёжли фуқароларга имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари ажратиш, шаҳар ва қишлоқ ҳудуди инфратузилмасини такомиллаштиришда ўз ифодасини топмоқда. Бу каби ислохотлар инсон тараққиёти концепциясининг Ўзбекистон моделининг ифодасидир. Бироқ, муаллиф фикрича, инсон тараққиётига оид қарорлар эълон қилинса-да, давлат раҳбари сабъ-ҳаракатлари билан уларнинг ижроси таъминланса-да, инсон дунёқараши ўзгармас, одамларда сиёсий хушёрлик шаклланмас экан, бу қарор аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Шу боис, энг катта масъулият фуқароларнинг ўз-ўзини тарбиясига боғлиқ.

Тадқиқотчи фикрича, республикамизда барча соҳаларга инфор­мацион технологияларнинг жорий қилиниши илмий техник тараққиётнинг инқилобий ривожланишига ва инсон бунёдкорлик салоҳиятининг мислсиз ўсишига олиб келиши асосланган. Бу жараён рақамли иқтисодий технологияларни кундалик фаолиятимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганлигида намоён бўлмоқда.

Рақамли иқтисодиёт – бу инновацион технологиялар, платформалар ва янги бизнес моделларини яратиш ҳамда уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янги­ча тизимга кўчириш демакдир.

Муаллиф, рақамли иқтисодийнинг мезонларини таснифлаган, уларнинг ижобий ва салбий таъсирини очиб берган, ижтимоий ҳаётда амал қилиш механизмларини асослаган. Хусусан, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун «Электрон ҳукумат» фаолияти, «Ақлли тиббиёт», «Ақлли шаҳар» дастурлари ижроси инсон тараққиётига ижобий таъсир этмоқда.

Диссертацияда диний экстремизмнинг салбий таъсири ёшларнинг ҳуқуқ-атвори дунёқарашида намоён бўлаётганлиги очиб берилган. Хусусан, баъзи ёшлар ва ҳатто катталар ўзи мансуб бўлган диний мазҳабини билмаган ҳолда шиалик ва салафияни тарғиб этаётгани ҳақида фикр юритилиб, бунинг олдини олиш учун дин уламоларининг масъулиятини ошириш ва таълим тизимида диншунослик бўйича чуқур ва кенг билим етказилиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланган. Диссертант фикрича, Ўзбекистон аҳолисининг сиёсий соғлом, маънавий етук тафаккури унинг иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий ҳимоясининг кафолатидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, «Инсон тараққиёти» концепциясини чуқур ўрганиш, унинг фалсафий моҳиятини тушуниш, ижтимоий жараёнларга тўғри баҳо бериш, ижтимоий тармоқлардаги турли сиёсий, ғоявий хуружларга қарши иммунитетни шакллантиради.

ХУЛОСА

Демократик жамиятда «Инсон тараққиёти» концепциясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили мавзусидаги тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. «Инсон тараққиёти» концепцияси аҳоли турли қатламларининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий ҳимоясига йўналган мамлакат стратегияси бўлиб, унда инсон манфаатлари ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида белгиланган.

2. «Инсон тараққиёти» концепцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбурият ва масъулиятларини тўлиқ англашни, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини ҳис қилиш ва жамият тараққиётига дахлдорлик туйғуси билан ҳисса қўшиши лозим.

3. «Инсон тараққиёти» концепциясида жамиятни ривожлантирувчи бош омил инсондир, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати, жамиятда ижтимоий барқарорлик омилidir.

4. «Инсон тараққиёти» концепцияси иқтисодий ўсиш назариясидан фарқли ўлароқ ижтимоий тараққиёт истиқболини қамраб олади.

5. Барқарор ривожланиш бу – бугунги куннинг эҳтиёжларига жавоб берадиган, аммо улардан келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўлиш имкониятларидан маҳрум этмайдиган ривожланиш концепциядир.

6. Мингйиллик ривожланиш мақсадлари аҳолининг мустақил билим эгаллаш, унинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш ва ижтимоий фойдали меҳнат қилиш учун шароит яратишни назарда тутди.

7. Ҳар қандай демократик давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси олий қадрият сифатида белгиланган. Жамият тараққиёти эса, инсоннинг ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятини намоён қилишида ўз ифодасини топади. Бефарқлик эса, мамлакатни таназзулга олиб келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.12.2019.F.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ПУЛАТОВ ЖАХОНГИР НАЗИРОВИЧ

**СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПЦИИ
«ЧЕЛОВЕЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ» В ДЕМОКРАТИЧЕСКОМ
ОБЩЕСТВЕ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.1 PhD / Fal144.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ik-falsafa.nuu.uz) и на информационном образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Сафарова Нигора Олимовна
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Яхшиликков Журабой Яхшиликovich
доктор философских наук, профессор

Туйчиев Бердикул Туракулович
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.30.12.2019.F.01.05 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистан в ____ часов “ ____ ” _____ 2020 года (Адрес: 100174, город Ташкент, ул. Университетская, дом 4, здание факультета Социальных наук Национального Университета Узбекистана, 5-й этаж, комната 511 Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана. (Зарегистрирована под № ____). (Адрес: 100174, город Ташкент, ул. Университетская, дом 4, Административный корпус НУУз, 2-й этаж, комната 4. Тел.: (99871) 236-46-55; факс (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан _____ 2020 года.
(Реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2020 г.)

Н. А. Шермухамедова

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней
доктор философских наук, профессор

У. А. Махкамов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней
доктор философии (PhD)

Г. Т. Махмудова

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учены степеней, доктор философских
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведется системная деятельность по реализации целей и задач, определенных в «Концепции человеческого развития» Организации Объединенных Наций, обеспечению мира и безопасности в мире, искоренению бедности, защите прав и свобод человека, повышению уровня благосостояния народов, повышению качества здравоохранения и образования. Ведь человек является главным источником и движущей силой любого государства, а оценка его труда, стимулирование его творческой деятельности, удовлетворение его материальных и духовных потребностей являются гарантией стабильности общества. Поэтому в третьем тысячелетии назрела необходимость системной организации защиты экономико-социальных интересов людей.

В ряде научно-исследовательских институтов и центров мира правоведами, философами, историками и политологами ведутся научные исследования по основным факторам обеспечения человеческого развития, таким как демография, устойчивость миграционных процессов, экологическая напряженность, профилактика энергетического и продовольственного дефицита, изучение правовых основ социальной защиты населения. Изучение социально-экономических аспектов программ стран-доноров, борющихся с бедностью и общей неграмотностью населения развивающихся стран, свидетельствует о проявлении гуманизма на международном уровне.

Действующие в Узбекистане направления человеческого развития обеспечиваются в соответствии с целями «Концепции человеческого развития» Организации Объединенных Наций. Социальная защита различных слоев населения, социальная защита их образования, труда, здоровья является одним из приоритетных направлений государственной политики. Деятельность народных приемных, государственные программы «Обод кишлок», «Каждая семья - предприниматель», проводимая системная деятельность по совершенствованию судебно-правовой системы являются надежной гарантией защиты прав и интересов граждан. Ведь. «Эффективность проводимых нами экономических реформ и социальных изменений измеряется, прежде всего, тем, в какой степени они влияют на материальное положение и благосостояние населения, на повышение уровня и качества его жизни»¹. Поэтому объективной необходимостью является проведение исследований по формированию нового мировоззрения в новом Узбекистане путем обеспечения социально-экономической защиты населения, активного участия в проводимых в обновляющемся Узбекистане реформах.

Настоящая диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных Указами Президента Республики Узбекистан от 7

¹ Мирзиёев Ш.М. «Мы продолжим наше национальное развитие с энтузиазмом и поднимем его на новый уровень» -Ташкент: Узбекистон, 2017. – С. 148

февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 2 марта 2020 года № УП-5953 «О Государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики» и другими нормативными правовыми актами, относящимися к данной деятельности.

Взаимосвязь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Настоящая диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование демократического и правового общества, духовно-просветительского, культурного развития, инновационной экономики».

Степень изученности проблемы.

